

қилади. Аудитор суғурта ташкилотлари молиявий ҳисоботини аудиторлик текширувидан ўтказиш натижасида олган далил ва маълумотлари ишончилигини таъминлай олса, у томонидан бериладиган аудиторлик ҳисобот ва хулосаси ҳам шунчалик аниқликда расмийлаштирилади.

Суғурта ташкилотларининг аудиторлик текшируви давомида ташкилотда қўлланиладиган операциялар ҳисоби методикаси суғурта фаолияти ҳақида амалдаги қонунчиликда белгиланган талабларга мослиги, тушумнинг тан олиниши, суғурта ҳисоби ва таннархини калькуляциялаш амалдаги қонунлар ва ички меъёрий ҳужжатларга мослиги аниқланади; ҳисоботларнинг ҳамма турини амалга оширишда хато ва бузилишлар, уларнинг молиявий ҳисоботла-

ри ишончилигига таъсири аниқланади; маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш резервлари аниқланади.

Юқоридаги хулосалардан келиб чиқиб, қуёйдаги таклифларни беришимиз мумкин:

1. Аудитор томонидан суғурта ташкилотларини текширишда, аввало, аудитор аудит стратегиясини тузишда суғуртанинг хусусиятидан келиб чиқиб ёндашувни танлаши керак.

2. Аудитор текширувни бошлашдан олдин, албатта, суғурта ташкилотининг ички назорат тизими билан яқиндан танишиб, етарлича маълумотга эга бўлиши керак.

3. Аудитор текширув жараёнларини оптималлаштириш учун, албатта, тармоқнинг риск ҳудудини танлаб, текширувнинг кўп қисмини ўша ҳудудга тарғиб қилиши керак.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг 25.02.2021 йилдаги “Аудиторлик фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-677-сонли қонуни.
2. Ўзбекистон Республикасининг 23.11.2021 йилдаги “Суғурта фаолияти тўғрисида”ги ЎРҚ-730-сонли қонуни.
3. Janina Mühlnickel, Gregor N.F. Weiß. Consolidation and systemic risk in the international insurance industry. *Journal of Financial Stability*. Volume 18, June 2015, pages 187-202.
4. Аудит. Учеб. для студентов вузов, обучающихся по экономическим специальностям. / Под ред. В.И. Подольского. Изд. 4-е, перераб. и доп. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2008. – 494 с.
5. “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 1-сон, февраль, 2018 йил. www.interfinance.uz
6. Кузьминов Н.Н. Особенности бухгалтерского учета в страховых компаниях. “Для руководителей и бухгалтеров страховых аудиторов, преподавателей, студентов и слушателей экономических факультетов и специальных курсов”. – Анкил, 2000 г.
7. Робертсон Дж. Аудит. Пер. с англ. – М.: КРМГ, Контакт, 1993. – 496 с.
8. Қўзиев И.Н., Ҳашимов А.Р., Ҳашимова Ш.М Аудиторлик ҳисоботи асосида аудитор фикрини шакллантиришнинг математик методлари. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 2-сон, апрель, 2017.
9. Меҳмононов С. Бюджет ташкилотларида ички аудитнинг услубий таъминотини такомиллаштириш. // “Халқаро молия ва ҳисоб” илмий-электрон журнали. 1-сон, февраль, 2018 йил.
10. Авлоқулов А. Аудиторлик ташкилоти иши сифатини назорат қилиш йўналишлари. // *Iqtisodiyot va ta'lim*. 2022-yil, 6-son.
11. Аренс А., Лоббек Дж. Аудит. Пер. с англ. / Под ред. Я.В. Соколова. – М.: Финансы и статистика, 2001. – 560 с.
12. Абдураимова М. “Суғурта ташкилотларида молиявий ҳисоботини тузиш ва аудиторлик текширувидан ўтказиш тартибини такомиллаштириш” мавзусидаги докторлик диссертацияси. 2020 йил.
13. Илҳомов Ш.И. Аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш услубиёти. Монография. – Т.: Иқтисодиёт, 2010. – 187 б.
14. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012. 1 қисм, 1-жилд. – Т.: ЎБАМА, 2014. – 1039 б.
15. Аудит ва сифат назоратининг халқаро стандартлари. 2012. 1 қисм, 3-жилд. – Т.: ЎБАМА, 2014. – 1502 б.
15. <https://www.theiia.org> The Institute of Internal Auditors.
16. <https://mfuz>



МҲХС АСОСИДА ТУЗИЛГАН МОЛИЯВИЙ ҲИСБОТЛАРНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

 https://doi.org/10.55439/ECED/vol24_iss1/a37

Козимжонов Абборбек -

Тошкент давлат иқтисодиёт университети
Бухгалтерия ҳисоби катта ўқитувчиси, PhD

Аннотация. Ушбу мақолада ҳўжалик юритувчи субъектлар томонидан молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари (МҲХС) асосида молиявий ҳисобот тузишнинг назарий ва амалий жиҳатлари ёритиб берилган. Бухгалтерия ҳисоби миллий стандартлари (БҲМС) ва молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари бўйича тузиладиган молиявий ҳисоботларнинг фарқли жиҳатлари ва уларни тузиш йўллари кўрсатиб берилган. Тадқиқот натижасида муаллиф томонидан халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тақдим этиш шакллари бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар: молиявий ҳисобот, МҲХС, БҲМС, молиявий ҳолат, фойда, зарар.

ОСОБЕННОСТИ ФИНАНСОВОЙ ОТЧЕТНОСТИ, СФОРМИРОВАННОЙ НА ОСНОВЕ МСФО

Козимжонов Аброрбек -
PhD. Старший преподаватель кафедры
“Бухгалтерский учет” Ташкентского государственного
экономического университета

Аннотация. В данной статье описаны теоретические и практические аспекты составления финансовой отчетности хозяйствующими субъектами на основе международных стандартов финансовой отчетности (МСФО). Показаны различные аспекты финансовой отчетности, подготовленной в соответствии с национальными стандартами бухгалтерского учета (НБУС) и международными стандартами финансовой отчетности, и способы их подготовки. В результате исследования автор разработал предложения и рекомендации по формам финансовой отчетности на основе международных стандартов.

Ключевые слова: финансовая отчетность, международные стандарты финансовой отчетности (МСФО), национальные стандарты бухгалтерского учета (НБУС), финансовое положение, прибыль, убыток.

FEATURES OF FINANCIAL STATEMENTS FORMATED ON THE BASIS OF IFRS

Kozimjonov Abrorbek - -
PhD, of the Department “Accounting”
Tashkent State University of Economics

Abstract. This article is devoted to the consideration of the theoretical and practical aspects of financial statements developed by economic entities based on international financial reporting standards (IFRS). In addition, the article highlights possibilities of financial statements in the implementation of the investment policy of the digital economy are highlighted. Moreover, various aspects of financial statements prepared according to national accounting standards (NAS) and international financial reporting standards, as well as the ways for their preparation are demonstrated. As a result of the research, the author has developed proposals and recommendations on the financial reporting forms based on international standards.

Keywords: financial reporting, International Financial Reporting Standards (IFRS), National Accounting Standards (NAS), financial position, profit, loss.

Кириш. Янги Ўзбекистон тараққиёт стратегиясининг 26-мақсадида Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш ва унинг жозибдорлигини ошириш, келгуси беш йилда 120 миллиард АҚШ доллари, жумладан, 70 миллиард доллар хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўриш белгилаб қўйилган [1]. Ушбу белгиланган вазибаларни амалга ошириш мақсадида юртимизда халқаро ташкилотлар, компаниялар билан фойдали иқтисодий алоқаларни ўрнатиш ва ривожлантириш бўйича кенг қамровли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Шу жумладан, хорижий инвесторларни зарур ахборот муҳити билан таъминлаш, халқаро фонд биржаларида қатнашиш имкониятларини кенгайтириш мақсадида бухгалтерия ҳисоби соҳасида ҳам қонун ҳужжатлари қабул қилинди. Юртимизда ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 2021 йил 1 январдан бошлаб МҲХС асосида бухгалтерия ҳисоби юритилишини ташкил этиш ва 2021 йил якуналаридан бошлаб молиявий ҳисоботни МҲХС асосида тайёрлаш қонунда белгилаб қўйилган [2].

Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари акциядорлик жамиятлари, банклар, кредит ташкилотлари, суғурта ташкилотлари, инвестиция фондлари ва бошқа кўплаб йирик компанияларнинг молиявий ҳисоботларини тузиш ва унинг маълумотларини аниқ, шаффоф, глобал

миқёсда тушунарли бухгалтерия тилида дунё мамлакатлари бўйлаб осон таҳлил қилиш имкониятларини яратиб берувчи бухгалтерия ҳисоби тартиб қоидалари тўплами ҳисобланади. Молиявий ҳисобот маълумотларини осон таҳлил қилиш компания мулкдорлари ва инвесторларнинг ўз вақтида қарор қабул қилиши билан ифодаланади [4].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Мамлакатимизнинг таниқли иқтисодчи олимлари ҳисобланган Н.Б.Абдусаломова, Р.О.Холбеков, Б.Ю.Махсудов, Ш.Т.Эргашева, Н.К.Ризаев, А.К.Ибрагимов, М.Б.Калонов, С.Н.Ташназаров, И.Р.Давлетов, Ғ.Д.Ташманов ва бошқалар илмий ишларида молиявий ҳисоботларни такомиллаштиришнинг услубий ва амалий жиҳатларини тадқиқ этганлар [9, 10, 11, 12, 13].

“Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номи 1-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандартида “Молиявий ҳисобот – бу ташкилотдан ўзларининг муайян ахборот эҳтиёжларига жавоб берадиган ҳисобот тайёрлашини талаб этиш имкониятига эга бўлмаган фойдаланувчиларнинг эҳтиёжларини қондиришга мўлжалланган молиявий ҳисоботдир” (IFRS-1, стандарт, 2019) деб таъриф берилган [3].

С.Н.Ташназаров фикрича, дунёдаги молиявий ҳисоб ва молиявий ҳисобот жараёни илғор тажрибасидан келиб чиқиб, трансформацион

ишчи баланс тузиш амалиётига ўтишимиз керак. Ишчи баланс счётларнинг қолдиқларини трансформацион ёзувлар асосида молиявий ҳисоботнинг шаклларига ўтказишни амалга оширувчи муҳим жадвал (регистр) ҳисобланади [14].

А.Ибрагимов фикрича, “Бухгалтерия ҳисоби стандартлари”га бухгалтерия ҳисобини тартибга солувчи аниқ қоидалар тўплами деб таъриф бериш мумкин. Стандарт бухгалтерия ҳисоби объектига ёки молиявий ҳисобот элементига нисбатан аниқ талаблар белгилаши билан у бухгалтерия ҳисобининг умумий йўналишларини белгиловчи бухгалтерия ҳисоби моделларидан фарқ қилади [12].

З.Собирова фикрича, “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари молиявий ҳисоботларни тайёрлаш ва тақдим этишнинг ижтимоий манфаатларда қабул қилинган қоидалардир. Бу халқаро даражада амал қилувчи ҳисоб тизимидир. МҲХС тавсиявий тавсифга эга. Бутун дунёдаги тартибга солувчи идоралар молиявий ҳисобот юритиш қоидаларини унификациялашнинг миҳимлигини тан олганликлари ва МҲХС бўйича қўмитанинг фаолиятини қўллаб-қувватлаганликлари учун ҳам ушбу стандартлар қўлланилади” [5].

Н.Жураев ўз илмий тадқиқотлари натижаларида қуйидаги фикр-мулоҳазаларни алоҳида таъкидлаб ўтган: “Молиявий ҳисобот молиявий ва бухгалтерия ҳисоби, яъни молиявий ҳисоб маълумотлари асосида тузилади. Ҳисобот эса бухгалтерия ҳисоби ва бошқа ҳисоб (статистик, тезкор) маълумотлари асосида тузилади” [6].


Муаллиф фикрича, “Молиявий ҳисобот маълум бир вақт давомида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳолатини ва унинг бизнес жараёнидан олинган молиявий натижасини, пул ва унинг эквивалентлари ҳаракатларини кўрсатувчи умумий ахборотлар йиғиндисидир”.

Тадқиқот методологияси. Мақолада илмий абстракция, анализ, индукция ва дедукция усулларини қўллаган ҳолда МҲХС асосида молиявий ҳолат ва молиявий натижани аниқловчи ҳисоботларни тузишда хорижий ва маҳаллий иқтисодчи олимларнинг тадқиқотлари ўрганилди.

Таҳлил ва натижалар. Молиявий ҳисоботдаги асосий ҳисоботлардан бири бўлган, Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот БҲМС бўйича бухгалтерия баланси бўлиб, маълум бир вақтдаги корхонанинг активлари, мажбуриятлари ва корхона капиталининг қисқача тасвирини тақдим этувчи ҳисобот тури ҳисобланади.

1-сонли “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти (БҲХС) талабига кўра, корхонадаги активларнинг характери, ликвидлилиги ва функцияси, мажбуриятларнинг суммаси, характери ва муддатлари бўйича баҳолаганда, молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисоботда алоҳида моддалар киритиш орқали тақдим этиши лозим.

МҲХС талаблари доирасида молиявий ҳисобот тузувчи хўжалик юритувчи субъектлар халқаро стандартларга мувофиқ, 1-расмда кўрсатиб ўтилган ҳисоботларни тузади.



1-расм. Молиявий ҳисоботнинг БҲМС ва МҲХС бўйича турлари

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот

Кўрсаткичлар	Изоҳлар №	Йил бошига	Йил охирига
АКТИВЛАР			
Узоқ муддатли активлар			
Асосий воситалар			
Номоддий активлар			
Биологик активлар			
Узоқ муддатли молиявий активлар			
Бошқа узоқ муддатли активлар			
Жами узоқ муддатли активлар			
Жорий активлар			
Пул маблағлари			
Қисқа муддатли молиявий активлар			
Савдо ва бошқа дебиторлик қарзлари			
Берилган аванслар			
Захиралар			
Жами жорий активлар			
ЖАМИ АКТИВЛАР			
КАПИТАЛ			
Устав капитали			
Қўшилган капитал			
Резерв капитали			
Тақсимланмаган фойда			
Курс фарқидаги ўзгаришлар бўйича резерв			
ЖАМИ КАПИТАЛ			
МАЖБУРИЯТЛАР			
Узоқ муддатли мажбуриятлар			
Қарзлар			
Кечиктирилган фойда солиғи бўйича мажбурият			
Кечиктирилган даромад			
Жами узоқ муддатли мажбуриятлар			
Қисқа муддатли мажбуриятлар			
Қарзлар			
Савдо ва бошқа кредиторлик қарзлари			
Бошқа тўланадиган солиқлар			
Олинган аванслар			
Бошқа мажбуриятлар			
Жами қисқа муддатли мажбуриятлар			
Жами мажбуриятлар			
ЖАМИ КАПИТАЛ ВА МАЖБУРИЯТЛАР			

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

МҲХСи бўйича “Молиявий ҳолат тўғрисидаги ҳисобот” шаклини қуйидаги шаклда тузиш тавсия этилади.

Корхоналар томонидан тақдим этиладиган иккинчи ҳисобот “Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот” деб номланади ва ушбу ҳисобот БҲМС бўйича тузиладиган Молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисобот билан ўхшаш бўлиб, маълум бир давр учун корхонанинг даромадлари, харажатлари ва умумий фойда ёки зарарлари ҳақида ахборот беради. МҲХС талабларини инобатга олган ҳолда “Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар” тўғрисидаги ҳисоботни тақдим этиш учун қуйидаги шаклни тавсия этамиз:

Ушбу ҳисоботда бошқа умумлашган даромадлар бўлими миллий стандарт бўйича тузиладиган ҳисоботдан ажралиб турилади. Бошқа умумлашган даромадлар бўлими кейинчалик фойда ёки зарарнинг қайта таснифланмайдиган ва қайта таснифланмайдиган сатр моддаларидан иборат бўлади. Келгусида фойда ёки зарарни қайта таснифлайдиган моддаларга қуйидагилар киради:

- сотиш учун мавжуд бўлган инвестициялардан фойда ёки зарар;
- ҳаққоний қийматнинг ўзгаришидан фойда ёки зарар;
- сотишдан олинган фойда ёки зарар;
- келгусида фойда ва зарарларнинг қайта таснифланмайдиган моддалар бўйича фойда солиғи.

Фойда ёки зарар ва бошқа умумлашган даромадлар тўғрисидаги ҳисобот

<i>Кўрсаткичлар</i>	Изоҳлар №	Йил бошига	Йил охирига
Соф тушум			
Таннарх			
ЯЛПИ ФОЙДА			
Сотиш ва маъмурий харажатлар			
Бошқа операцион харажатлар			
Бошқа операцион даромадлар			
ОПЕРАЦИОН ФОЙДА			
Молиявий даромадлар			
Молиявий харажатлар			
Валюта ўзгаришининг соф фойда/зарари			
СОЛИҚ ТЎЛАНГУНГА ҚАДАР ФОЙДА			
Фойда солиғи			
СОФ ФОЙДА			
Бошқа умумлашган даромадлар			
ЖАМИ УМУМЛАШГАН ДАРОМАД			

Манба: муаллиф томонидан тайёрланди.

Келгусида фойда ёки зарарнинг қайта таснифланмайдиган моддаларига қуйидагилар киради:

- асосий воситаларни қайта баҳолашдан фойда ёки зарар;
- асосий воситаларни қайта баҳолашдан ташқари фойда ёки зарар;
- қарам корхоналарнинг бошқа умумлашган даромаддаги улуши;
- келгусида фойда ва зарарларнинг қайта таснифланмайдиган моддалар бўйича фойда солиғи.

Пул маблағлари ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот корхонанинг пул маблағларининг маълум бир вақт давомида операцион фаолияти, инвестиция ва молиявий фаолиятдан қанча миқдорда пул маблағлари кирим ва чиқим бўлганлигини кўрсатиб берувчи ҳисоботдир.

Операцион фаолият корхонанинг асосий даромад келтирувчи фаолияти ҳамда инвестиция ва молиявий фаолиятдан ташқари бошқа фаолият турларидир.

Инвестиция фаолияти деганда, узоқ муддатли активларнинг ва пул маблағлари эквивалентларига кирмайдиган бошқа инвестицияларнинг харид қилиниши ва ҳисобдан чиқарилиши тушунилади.

Молиявий фаолият ташкилот киритган капитали ва қарз маблағларининг миқдори ва таркибидаги ўзгаришларга олиб келадиган фаолиятдир.

Корхоналар операцион, инвестиция ва молиявий фаолияти бўйича пул маблағлари ҳаракатини ўз фаолиятига мос равишда тақдим этади. Фаолият тури бўйича таснифлаш молиявий ҳисобот фойдаланувчиларини ушбу фаолиятларнинг ташкилот молиявий ҳолатига ва унинг

пул маблағлари ҳамда пул маблағлари эквивалентларининг суммасига таъсирини баҳолаш имкон берадиган маълумот билан таъминлайди. Бу маълумотдан ушбу фаолиятлар ўртасидаги ўзаро боғлиқликни баҳолаш учун ҳам фойдаланиш мумкин.

Корхоналардаги бир хил хўжалик жараёнлари турли хил таснифланадиган пул оқимларини ўз ичига олиши мумкин. Масалан, қарз бўйича пул маблағларини тўлаш ўз ичига асосий сумма ва фоизларни олганда, фоиз қисми операцион фаолият тарзида таснифланиши мумкин, асосий сумма қисми эса молиявий фаолият тарзида таснифланади.

Корхоналар томонидан тақдим этилувчи молиявий ҳисоботнинг тўрттинчи шакли “Хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисобот” деб номланиб, маълум бир вақт давомида корхона капитали ўзгаришини кўрсатиб берувчи ҳисобот ҳисобланади. Ушбу ҳисобот капиталга йўналтирилган акцияларнинг ўзгариши ёки бозор қиймати ўзгариши, резерв фондларининг шаклланиши, тақсимланмаган фойдадан оддий ва имтиёзли акциялар учун дивидендларнинг тақсимланишини таснифловчи ҳисобот туридир.

Хусусий капиталнинг ҳар бир қисми бўйича ташкилот хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда бошқа умумлашган даромаднинг модда бўйича таҳлилини тақдим этиши лозим. Корхона хусусий капиталдаги ўзгаришлар тўғрисидаги ҳисоботда ёки изоҳларда давр мобайнида мулкдорларга тақсимланган сумма сифатида тан олинган дивидендлар суммасини ва бир акцияга тўғри келадиган дивидендлар суммасини тақдим этиши лозим бўлади.

Хулоса ва таклифлар. Молиявий ҳисоботларда корхоналарнинг активлари, мажбуриятлари, капитали, даромад ва харажатлари каби маълумотлари билан биргаликда қуйидаги маълумотларни ҳам молиявий ҳисобот истеъмолчиларига тақдим этиш мақсадга мувофиқ:

- корхонанинг жойлашган жойи;
- корхонанинг ташкилий-ҳуқуқий шакли;
- корхонанинг ташкил этилган мамлакат, юридик манзили;
- корхонанинг ташкилот операциялари ва асосий фаолияти характерининг тавсифи;
- корхонанинг бош ташкилот ва якуний бош ташкилотининг номи;

- корхонанинг фаолияти муддати чекланган бўлса, унинг фаолиятининг муддати тўғрисидаги маълумотлар.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, молиявий ҳисоботлар корхонага биринчи ва асосий баҳо бериладиган қиёсий кўрсаткичлар манбаидир. Агар молиявий ҳисобот халқаро стандартларга тўлиқ жавоб берадиган даражада тузилган бўлса, инвестиция олиб кировчи инвесторлар зарур ахборот муҳити билан таъминланади, натижада инвестиция жозибаторлиги ва инвестиция оқими ортади.

Манба ва фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 28.01.2022 йилдаги ПФ-60-сонли “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида” фармони. (<https://lex.uz/uz/docs/5841063>)
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг 24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сонли “Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” қарори.
3. “Молиявий ҳисоботни тақдим этиш” номли 1-сонли Бухгалтерия ҳисобининг халқаро стандарти. Манба: <https://www.mf.uz>
4. Козимжонов А. Хўжалик юритувчи субъектларда қарз мажбуриятлари бўйича харажатлар ҳисобини такомиллаштириш. – Т.: Академия ноширлик маркази, PhD дисс. автореф., 2022.
5. Сабирова З.Қ. Хўжалик юритувчи субъектларда бухгалтерия ҳисобини халқаро стандартлар асосида ташкил этиш. // “Логистика ва иқтисодиёт” илмий-электрон журнали. 2022 йил, 3-сон. / Organization of accounting in economic entities based on international standards. // “Logistics and economy” scientific-electronic journal. 2020 year, Issue 3.
6. Жўраев Н.Ю. Молиявий ҳисобот. Ўқув қўлланма.– Т.: ТДИУ, 2007 й. 15-б. / Joraev N.Yu. Financial Reporting. Study guide. Т.: ТДИУ, 2007 у. Р. 15.
7. Эргашева Ш.Т. Международные стандарты финансовой отчетности. Учебник. – Т.: ТГЭУ, 2021 г. – 305 стр.
8. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари тўплами. // ACCA. IFRS/IAS., 2019 й.
9. Abdusalomova N.B. Methodological approaches to develop budget models in the system of management accounting. International Journal of Marketing and Technology. ISSN: 2249-1058 Impact Factor: 6.559. Vol. 9 Issue 9, September 2019. Global Impact factor - 0.65. P. 1-12.
10. Холбеков Р.О. Перспективы и этапы перехода к международным стандартам финансовой отчетности в Республики Узбекистан. Материалы международной научно-практической конференция «Процессы цифровой трансформации в экономике, финансах и управлении в условиях пандемии» IV Форум «экономика в меняющемся мире», 2022 май, г. КАЗАНЬ.
11. Эргашева Ш.Т., Ибрагимов А.К., Ризаев Н.К., Ибрагимова И.Р. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. Ўқув қўлланма. – Т.: Иқтисодиёт, 2019. – 227 б.
12. Калонов. М.Б. Корхоналарда даромадлар ва харажатлар ҳисоби ҳамда таҳлили методологиясини такомиллаштириш. Иқт. фан. д-ри (DSc). дисс. автореф. – Т., 2019. – 19 б.
13. Ташназаров С.Н., Ташназарова Д.С. Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартлари. – Самарканд: СамИСИ, 2018. – 421 б.
14. Давлетов И.Р. “Интеллектуал мулк объектларига қилинган инвестицияларнинг иқтисодий самарадорлигини баҳолаш масалалари”. “Тошкент давлат аграр университети ташкил этилганлигининг 90 йиллиги”га бағишланган халқаро конференция материаллар тўплами. 2020 йил 14-15 декабрь, 554-557-б.
15. Ташманов Ф.Д. Development of artificial intelligence in Uzbekistan (Evidence from Education System) Turkish Online Journal of Qualitative Inquiry e-ISSN 1309-6591 July 30, 2021 Vol. 12 No. 9 (2021).